

# Единый портал корпоративной информации

## Объявления

"Qarshi yog'-ekstraksiya" AJ

Объявление

"QARSHI YOG'-EKSTRAKSIYA" AKSIYADORLIK JAMIYATI

ИЖРО ОРГАНИ РАХБАРИ ВА ИЖРО ОРГАНИ РАХБАРИ ЎРИНБОСАРЛАРИ ЛАВОЗИМИГА  
ТАНЛОВ.

### ЭЪЛОН!

**«Qarshi yog`-ekstraksiya» АЖ ижроия органи раҳбари ва раҳбар ўринбосари лавозими танловида қатнашиш учун номзодларни таклиф этади.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.04.2015 йилдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқариш усулларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4720–сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 26.04.2019 йилдаги “Давлат активларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 356–сонли қарори талаблари ҳамда жамият бошқарув органи тўғрисидаги низомга мувофиқ, жамият кузатув кенгашининг 08.09.2020 йилдаги қарорига асосан жамият ижроия органи раҳбари ва раҳбар ўринбосари лавозимларига танлов элон қилади.

Танловга қатнашиш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек чет эл фуқаролари таклиф этилади.

Танлов қатнашчиларига қуйидаги талаблар қўйилади:

- Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида, ёхуд Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги таълимга тенглиги эътироф этилган хорижий давлат таълим муассасасида олинган олий иқтисодий маълумотга эга бўлиш;
- ёғ-мой саноати соҳадаги корхонасида камида 2 йил раҳбар лавозимларида иш стажига эга бўлиши;
- амалдаги қонунчилик ва ёғ-мой саноати корхоналари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши;
- мазкур соҳада молиявий - хўжалик тажрибасига эга бўлиши;
- иқтисодий ёки бошқарув соҳадаги жиноятчилик учун судланмаган бўлиши;
- чет тилларини (рус, инглиз ва бошқалар) билиши.

Қатнашчилар танловда иштирок этишлари учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:

- танловда қатнашиш учун ариза;
- номзод тўғрисида маълумотнома (резюме) ;

- шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт);
- диплом нусхаси;
- иш стажини тасдиқловчи ҳужжат (меҳнат дафтарчасидан нусха).

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати: 2020 йил 02 сентябргача.

Танловни ўтказиш санаси: 2020 йил 05 сентябрь куни.

Танловни ўтказувчи орган: “Qarshi yog`-ekstraksiya” АЖ Кузатув кенгаши.

Танлов ўтказиш жойи: Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, А.Навоий шох кўчаси, 1-уй.

Ҳужжатларни қуйидаги:

Почта манзилига: Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, А.Навоий шох кўчаси, 1-уй;

жамиятнинг электрон почта манзилига [qarshimez@umail.uz](mailto:qarshimez@umail.uz) (<mailto:qarshimez@umail.uz>) жўнатиш мумкин.

Номзодлар қўшимча маълумотлар учун: 0 (375) 223-41-70 телефон рақами орқали мурожат қилишлари мумкин.

16.09.2020

---

Источник: <http://openinfo.uz/en/announce/9641/>

Дата: 27.11.2020